



Tadqiqot UZ

2021

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



CONFERENCES.UZ

31 MART
№26

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021.- 18 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Ro'zmetova Marjon Axmedjanovna	
NIKOH TUZISH TARTIBI VA SHARTLARI.....	7
2. Abdulhoshimov Shoxrux Shuxratjon o'g'li,	
Aliyev Muhammadamin Muzaffarjon o'g'li	
AHOLI ORASIDA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISH	9
3. Jumanazarova Sohiba Shonazarovna, Arzamov G'olibjon Taklipjonovich	
DAVLAT VA HUQUQ NAZARIYASI PREDMETI	11
4. Норматов Бекзод Акрамович	
СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	13
5. Норматов Бекзод Акрамович	
СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЮРИДИК МАСАЛАЛАРИ.....	15



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

NIKOH TUZISH TARTIBI VA SHARTLARI

Ro'zmetova Marjon Axmedjanovna

Xorazm viloyati Xonqa tumani

33-sон umumta'lim maktabi huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida nikoh tuzish tartibi va shartlari keltirilgan. Nikoh yoshi haqida, yaqin qarindoshlikda nikoh tuzish mumkin emasligi haqida mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: nikoh tuzish, oila, er-xotin, nikoh yoshi, yaqin qarindoshlik, ixtiyoriylik, qonun.

Nikoh oilaning vujudga kelishi uchun birdan-bir asosdir. Nikoh ahdi insonlarga mas'uliyat yuklaydi. Chunki oilada arning ham, ayolning ham o'z vazifasi bor, ulardan har biri o'z vazifasini to'la ado etishga mas'uldirlar. Nikoh tufayli yangi oilalar vujudga keladi.

Nikoh tuzish shunchaki rasmiyatchilik emas, uning davlat tomonidan qayd etilishi yuridik faktidir. Aynan ro'yxatga olingan (qayd etilgan) nikoh yuridik nikoh deb hisoblanadi va faqat ugina er-xotinlik huquqlari va majburiyatlarini yuzaga keltiradi. Ro'yxatsiz (qaydsiz) nikoh haqiqiy emas.

Nikoh davlat va jamiyat manfaatlarini ko'zlab, er, xotin va bolalarning shaxsiy va mulkiy huquqlari hamda manfaatlarini muhofaza etish maqsadida qayd etiladi. Nikohni qayd etishda guvohlarning soni ikki kishidan kam bo'lmasligi kerak. Faqatgina diniy rasm-rusumlarga binoan tuzilgan nikoh huquqiy ahamiyatga ega emas.

Nikoh tuzish ixtiyoriydir. Nikoh tuzish uchun bo'lajak er-xotin o'z roziligini erkin ifoda etish qobiliyatiga ega bo'lishi kerak. Nikoh tuzishga majbur qilish taqiqilanadi. Amaldagi qonun hujjatlarida nikoh yoshi belgilab qo'yilgan. Qonunga binoan erkaklar 18 yoshdan, ayollar esa 17 yoshdan nikoh tuzishlari mumkin.

Fuqarolik qonunlariga asosan voyaga yetgunga qadar qonuniy asosda nikohdan o'tgan fuqaro to'la hajmdagi muomala layoqatiga ega bo'ladi. Nikoh tuzish natijasida ega bo'lgan muomala layoqati 18 yoshga to'lmasdan turib nikohdan ajratilgan taqdirda ham to'la saqlanib qoladi. Nikoh haqiqiy emas, deb topilganida sud voyaga yetmagan er (xotin) sud belgilagan paytdan boshlab to'la muomala layoqatini yo'qotganligi haqida qaror qabul qilishi mumkin.

Nikoh yoshiga amal qilmasdan, g'ayriqonuniy ravishda nikoh munosabatlarda bo'lish har xil huquqiy oqibatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Bunday nikoh haqiqiy emas, deb topilib, oila qonunlarida belgilangan tegishli shaxsiy va mulkiy huquqiy oqibatlarni keltirib chiqarmaydi.

Nikoh tuzilishiga monelik qiladigan holatlар quyidagilardan iborat:

1. *Loaqal bittasi ro'yxatga olingan boshqa nikohda turgan shaxslar o'rtasida nikoh tuzilishi mumkin emas.*

Respublikamizda har bir fuqaro faqat yakka nikohda bo'lishi mumkin. Yakka nikohlik tamoyili bizning jamiyatimizda mavjud bo'lgan yuksak axloqiy qoidalardan kelib chiqadi. Bu qoidaning buzilishi nikohni haqiqiy emas deb topilishiga asos bo'ladi.

2. *Nasl-nasab shajarasi bo'yicha to'g'ri tutashgan qarindoshlar o'rtasida, tug'ishgan va o'gay aka-ukalar bilan opa-singillar o'rtasida, shuningdek farzandlikka oluvchilar bilan farzandlikka olinganlar o'rtasida nikoh tuzilishiga ruxsat berilmaydi.*

Qonun hujjatlarida yaqin, to'g'ri, yon shajara, yot aralashmagan va yot aralashgan qarindosh tushunchalari mavjud. Biri boshqasidan yoki umumi ajdoddan dunyoga kelgan shaxslar yaqin qarindoshlar hisoblanadi. Biri boshqasidan dunyoga kelgan shaxslar, ya'ni bobo-ota, o'g'il-nevara-evara-chevara-dubora to'g'ri shajaratagi qarindoshlar deb yuritiladi. Aka-uka va opa-singil yon shajaratagi qarindosh deyiladi. Yot aralashmagan qarindosh deb umumi otanaga ega



bo'lishlik, yot aralashgan qarindosh deb turli ota yoki onadan tug'ilgan o'gay aka-ukalar va opa-singillar tushuniladi.

Yaqin qarindoshlar o'rtasidagi nikohni qonun yo'li bilan taqiqlash axloqiy qoida hamda biologik nuqtayi nazarga, tibbiyot fani yutuqlari va xulosalariga asoslanadi.

Boshqa qarindoshlar o'rtasida nikoh tuzish qonun bilan taqiqlanmaydi. Shuning uchun yon shajara bo'yicha qarindosh bo'lgan, tog'avachcha, amakivachcha, xolavachchalar va boshqa uzoq qarindoshlar o'rtasida nikoh tuzish mumkin.

Aka-ukalar hamda opa-singillar farzandlarining o'zaro nikoh tuzishlari maqsadga muvofiq emas. Qarindoshlik nikohi tufayli ko'pincha nimjon, jismonan nosog'lom, nuqsonli, mayib bolalar dunyoga keladi. Qarindoshlar o'rtasida tuzilgan nikoh hatto farzandsizlikka olib kelishi ehtimoldan xoli emas.

3. Loaqal bittasi ruhiyat buzilishi (ruhiy kasalligi yoki aqli zaifligi) sababli sud tomonidan muomalaga layoqatsiz deb topilgan shaxslar o'rtasida nikoh tuzilishiga yo'l qo'yilmaydi.

Bunday shaxslar o'z qilmishlarining oqibatiga to'liq javob bera olmaydilar va nikoh tuzishga ongli ravishda o'z xohishlarini izhor eta olmaydilar. Bu qoida nikohlanuvchilarning ixtiyoriy va o'z xohishiga ko'ra nikoh tuzish tamoyilidan kelib chiqadi. Shaxsning ruhiy kasalligi yoki aqli zaifligi tufayli muomalaga layoqatsiz deb topilishi fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organiga ariza topshirganidan so'ng, nikohni qayd etish muddatigacha yuz bergen bo'lsa ham, nikohdan o'tishga monelik qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining oila kodeksi.
2. N. Ismatova, O. Karimova Davlat va huquq asoslari.
3. www.ziyonet.uz



AHOLI ORASIDA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISH.

**Abdulhoshimov Shoxrux Shuxratjon o'g'li
Aliyev Muhammadamin Muzaffarjon o'g'li
Andijon viloyati Yuridik Texnikum talabalari.**

Annotatsiya: Bizning bilishimizcha huquqiy madaniy bir necha turli bo'ladi. Anashulardan biri jamiyatning ya'ni aholining huquqiy madaniyati yuksaltirish hisoblanadi. Ushbu maqlolada ana shu turi ya'ni aholining huquqiy madaniyatini yuksaltirish davlatning huquqiy darajasini yaxshilash masalalari yoritilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: huquqiy madaniyat, qonun ustuvorligi, oila, jamiyat, mahalla, odob axloq qidalari, huquqiy ong, huquqiy targ'ibot, demokratik davlat.

Aholi orasida huquqiy madaniyatni yuksaltirish albatta qonun ustuvorligini ta'minlash va qonuniylikni mustahkamlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi.

Huquqiy madaniyatni yuksaltirishda eng avvalo, huquqiy ta'lim va tarbiya borasidagi ishlarni tizimli va davomli olib borish, bunda oila, mahalla va fuqarolik jamiyatni va boshqa institatlarning ishtiroki alohida o'rinn tutadi.

Aholi orasida huquqiy madaniyatni rivojlantirishda, avvalo, huquqiy immunitetni shakillantirish har bir shaxsda qonunlarga va odob axloq qoidalariga, milliy qadriyatlarga hurmat tuyg'usini uyg'otishdan boshlash lozim, chunki huquqiy ma'daniyatning asosiy tushunchalari shular hisoblanadi. Shu o'rinda huquqiy madaniyatga ta'rif beradigan bo'lsak; huquqiy madaniyat - bu kishilarning huquqiy bilim darjasini, huquqqa nisbatan ongli munosabati, huquqni hurmat qilish va unga rioya qilish tushuniladi.

Biz davlatning huquqiy holatini yaxshilash uchun uning birdan bir manbai bo'lgan xalq ya'ni aholining yashash tarzi, mehnat qilishi, har bir shaxsnı ilm olishi bilan bog'liq huquqiy me'yordarni bilishini va ularga bu haqida tushuncha, ma'lumotlar beradigan kadrlarni davlatimizda sonini oshirishga qaratilgan chora tadbirlar amalga oshirilmoqda. Respublika hududida yuridik klinika faoliyat olib borilmoqda va yosh huquqshunoslarni sonini ko'paytirish maqsadida viloyatlar va Toshkent shahrida "Yuridik texnikumlar" tashkil etilgan. Bundan maqsad yosh yuristlar tomonidan yurtimizda huquqiy demokratik davlat barpo etish va fuqarolar jamiyatini shakllantirish borasidagi keng ko'lamli islohotlar amalga oshirish, qonun ustuvorligini ta'minlash va yuksak darajadagi huquqiy ong va huquqiy madaniyatga ega bo'lgan barkamol avlodni tarbiyalash ko'zlangan. Albatta qaysidir ma'noda yosh huquqshunoslar davlatning huquqiy targ'ibotchilari hisoblanadi. Huquqiy targ'ibot ham bir o'rinda huquqiy madaniyatni shakllantirishda alohida o'rinn tutadi. Huquqiy targ'ibot - bu jamiyat va davlatning huquqiy siyosatini, strategik maqsadini fuqarolarga, ommaga yetkazishga qaratilgan ma'rifiy va targ'ibot usullaridir. Anglash mumkunki, huquqiy madaniyatni aholi orasida keng yoyilishi uchun huquqiy targ'ibotni ta'sirchanligi va xalqqa tushunarli ekaniga ham bog'liq.

Huquqiy targ'ibotni amalga oshirish mumkin bo'lgan vazifalar sifatida quydagilarni misol qilib keltirishimiz mumkin:

1)Umumiyo'rta ta'lim, kasb-hunar kolleji, oliy ta'lim muassasalarida huquq sohasidagi ko'rik tanlovlar sonini oshirish

2)Televideniya, radio orqali huquq sohasiga oid ma'lumotlarni keng hamda aholining huquqiy ongi yuzasidan kelib chiqqan holda targ'ibot ishlarini olib borish

3)O'rta ta'lim sohasida o'quvchilarni huquq sohasiga jalb etish chora tadbirlarini ko'rish, shuningdek konstitutsiya va inson huquqlarini o'rganish bo'yicha darslar va darsliklar tashkil qilish, yoshlarning huquqiy bilim va savodxonlik darjasini yuksaltirib borish

Inson o'zini huquqiy jihatdan yetuk, bilimli deb hisoblashi uchun birinchi o'rinda jamiyatda o'rnatilgan huquq normalariiga nisbatan hurmat ruhi shakllangan bo'lishi lozim. Aholi orasida huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, mamlakatimiz yoshlari ongida qonunlarga hurmat ruhini singdirish masalalari juda muhim, chunki Vatanimizning rivojlanishi, yanada demokratik va islohotlarining muvaffaqiyati ko'p jihatdan xalqimizning huquqiy ongi hamda huquqiy madaniyatiga bog'liq.

Yuksak huquqiy madaniyat demokratik jamiyat poydevori hamda huquqiy tizimi yetukligining ifodasi deb ayta olamiz. U jamiyatdagi hayotiy jarayonlariga fa'ol ta'sir ko'rsatuvchi,



fuqarolarning, barcha ijtimoiy guruhlarning jipslashuviga ko'maklashuvi, jamiyatning yaxlitligi hamda batartibligini ta'minlovchi omildir.

Aholi orasidagi huquqiy madaniyat yuksalishi natijasida davlat huquqiy me'yorlariga amal qilish va uni himoya qilish ularda ishlab chiqilayotgan yuridik hujjatlarning samarali va adolatli bo'l shida muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa qilib aytganda, aholi orasida huquqiy madaniyatni yuksalishi natijasida qonunga bo'l gan itoat tuyg'usi rivojlanishiga olib keladi. Davlatni demokratlashtirish maqsadida fuqarolarning huquqiy ongi, huquqiy ma'daniyati, ta'lim -tarbiyasini yanada yuksaltirish, yoshlarning huquq sohasiga bo'l gan qiziqishlarni oshirish, ularni huquqiy jihatdan yetuk va barkamol avlod etib tarbiyalash asosiy maqsadlardan biri.

Foydalanimagan adabiyotlar:

1. Ахмедшаева М., Нажимов М. Ҳуқуқ нима? – Т.: ТДЮИ, 2003.
2. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007.
3. Saburov N. Davlat va huquq nazariyasi. Oquv-uslubiy qollanma. – Т.: TDYI, 2008
4. Жавлиев Н.Б. Ҳуқуқнинг моҳияти: анъанавий ва замонавий назариялар. Ўкув-қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2010.
5. Нажимов М.К. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият. – Т.: ТДЮУ, 2018.
6. Hayitboyev F., Najimov M. Hozirgi zamon assosiy huquqiy tizimlari (qiyoziy huquqshunoslik). – Т.: TDYU, 2018.



DAVLAT VA HUQUQ NAZARIYASI PREDMETI

Jumanazarova Sohiba Shonazarovna

Xorazm viloyati shovot tumani 26-maktab

tarbiya va huquq fani o'qituvchisi.

Email:sohiba26maktab@umail.uz

Arzamov G'olibjon Taklipjonovich

Namangan viloyati Pop tumani 54-maktab

tarbiya va huquq fani o'qituvchisi.

Email: golibjon54@umail.uz

Annotatsiya: ushbu maqolada davlat va huquq nazariyasi predmeti va insonlarning faoliyat davomida qanday ahamiyatlarga ega ekanligi haqida mulohazalar yuritiladi.

Har bir fanni aniqlash uchun bu fanning umumiyligi fanlar tizimida tutgan o'rni, roli va ahamiyati, o'organiladigann ob'ektini bilish zarur bo'ladi. Boshqa fanlar qatori «Davlat va xuquq nazariyasi» insonlarning faoliyat doirasini ifodalab beruvchi fan sifatida o'z oldiga shunday vazifani qo'yadi, ya'ni: birinchi navbatda, davlat va xuquq to'g'risidagi hodisalarni, bu hodisalarning jamiyatdagi o'rni xuquqiy fikrlarning ob'ektivligi borasidagi bilimlarni ishlab chiqish va uni nazariji jihatdan ma'lum bir tizimga solishni ko'zlaydi.

Davlat va xuquq to'g'risidagi ilm-bu davlat xuquqiy hodisalarnin paydo bo'lishi, rivojlanishi va amal qilishini o'organuvchi umum siyosiy yurudik qonuniyatlar xahidagi bilimlar tizimining yig'indisidir.

Bu fan yuqoridaqgi hodisalarni to'laligicha o'rganadi (kuzatadi) va shu bilan o'zining fundamental harakteriga ega. Umuman shuni ta'kidlash mumkin, davlat va xuquq nazariyasi bu mavjud bo'lgan, zarur, umumiyligi va mustahkam bog'lh bo'lgan davlat-xuquqiy hodisalarning o'zaro hamda boshqa ijtimoiy hodisalar bilan bog'lhligini ifadolovchi qonuniylik bo'lib bu qonuniylik davlat xuquqiy hodisalarga va ularning siyosiy yuridik xususiyatlari nisbatan sifatli aniqlik kiritadi.

Davlat va xuquq nazariyasi tushunchasi tizimida asosiy nazariy va o'organuvchilak rolini bir muncha umumiyligi tushunchalar bajaradi. Kelajakda bu tushunchalar kategoriyalar deb yuritilib, bularga «davlat mohiyati», «davlatning shakli», «davlatning tipi», «davlatning funktsiyalari», «davlatning mexanizimi», «xuquqning mohiyati», «xuquqning shakli», «xuquqiy munosabatlar», «xuquq tizimi» va xakozolar kiradi.

Davlat va xuquq nazariyasi bu davlat va xuquq xuquqiy qarashlar, g'oyalari va bilimlar tizimidir. U davlat va xuquqning paydo bo'lishi, rivojlanishi va barham topishi umumiyligi qonuniyatlarini o'rganadi.

Bu fan nafaqat davlat xuquqiy hodisalarni va jarayonini o'organibgina qolmasdan, balki ular to'g'risidagi kishilarning tasavurlarini ham o'rganadi.

Davlat va huquq o'zaro mustahkam aloqada bo'lib, birbirini ifoda etadi, ajralgan holda bo'lmaydi. Davlat huquq normalarni o'rganadi, ularning ijrosini taminlaydi; xuquq esa, davlat tizimini, uning funktsiyalarni, kompetentsiyasini mustahkamlaydi va bu bilan u davlatning siyosiy hokimiyatni amalga oshirish uchun aniq ifoda baxsh etadi.

Shuning uchun ham davlat va xuquq nazariyasi barcha inisstitutlar birligida olib o'rganadi, o'zluksiz bog'lhlidka ko'rib chiqadi, xuquq rivojlanish qonuniyatlarini tahlil qiladi.

Shunday ekan, davlat va xuquq ma'lum ajratilgan ilm (fan) sohalari bo'lib qolmasdan, balki u yagona fandir.

Lekin u yagona fan sifatida hola turib, nisbatan mustaqil bo'lgan ikkita qismga bo'linadi:

- davlat nazariyasi (davlatshunoslik)
- xuquq nazariyasi (xuquqshunoslik)

Davlat va huquq nazariyasi fanini predmetini jamiyatda davlat va huquqning paydo bo'lishi va rivojlanish qonuniyatlarini, mohiyati, shakllari, pritsiplari, funksiyasi, siyosiy, huquqiy ong va huquqiy tartibga solish mexanizmi tashkil qiladi.

Davlat va huquq nazariyasi fani quyidagi hususiyatlarga ega.

Birinchidan, bu fan ijtimoiy fan bo'lib, siyosiy yuridik fandir. Chunki uni o'organadigan sohasi jamiyatda eng muhimmi ijtimoiy hodisalar davlat va huquq masalalarini paydo bo'lish va rivojlanish



qonuniyatlaridir. **Ikkinchidan**, bu fan umumnazariy fan, zero u jamyatda davlat va huquqning paydo bo'lish va rivojlanish umumiy qonuniyatlarni olib beradi.

Uchinchidan, bu fan falsafiy hususiyatga ega. Chunki davlat va huquqning paydo bo'lish va rivojlanish qonuniyatlarni falsafaning (dialektik va tarixiy materializm) qonunlariga asosan o'organadi.

To'rtinchidan bu fan amaliyot bilan bo'g'liqidir. Chunki u O'zbekistonda demokratik huquqiy islohatlarni amalga oshirishda nazariy asos bo'lib hizmat qiladi. U shahs jamiyat, davlat va huquqning rolini oshirishda amaliy harekterga ega.

Beshinchidan, bu fan o'quv tarbiyaviy ahamiyatga ega. Chunki u kishilarning jamiyat, davlat va huquq tuhrisidagi bilimini oshirmsandan, balki ularda huquqiy bilim, huquqiy tarbiya, huquqiy ong va huquqiy madaniyatni rivojlantirishga yordam beradi.

Davlat va xuquq nazariyasini davlat va xuquqning rivojlanish qonuniyatlarini barchasini o'rganmaydi, balki u faqat umumiy va assosiylarini o'rganadi. Jumladan, bularga quyidagilar kiradi:

Davlat va xuquqning paydo bo'lishi (vujudga kelishi), ularning tarixiy o'rinni almashuvini qonuniyatlarini;

- Davlat va xuquqning rivojlanishi mohiyati va mazmunini;
- Davlatning mexanizimi uning ichki va tashqi funksiyalarini;
- Davlat va xuquqning belgilarini;
- Davlat organlarni qurilish tizimi qonuniyatlarini;
- Demokratiya, qonuniylik, xuquqiy tartibotning umumiy printsiplarini;

Davlat va xuquq nazariyasining predmeti bo'lib, davlat - xuquq hodisalarining paydo bo'lishi, rivojlanishi va amal qilishining umumiy qonuniyatlari tizimini o'rganish hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Azizzxo'jaeva N. N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. –T.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. 2006 y. 200b.

2. Abu Rayhon Beruniy. Feruza (Javohirlar haqida naql va hikoyatlar). – Toshkent: A.Qodiriy nomidagi nashriyot, 1993.



СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Норматов Бекзод Акрамович

Тошкент давлат юридик университети

катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д.

Тел: +99890-296-90-57

bekzod.normatov.2016@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада солиқ текшируви натижасида вужудга келган солиқ низоларини судгача ҳал қилишнинг юридик табиати, хусусан хорижий давлатларда судгача ҳал қилишнинг моделлари таҳлил қилинган. Шунингдек, солиқ текшируви бўйича солиқ низоларини судгача кўриб чиқиши бўйича амалдаги солиқ қонунчилиги таҳлил қилиниб, солиқ тўловчи солиқ органининг маъмурий акт юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилаолмаслиги аниқланди. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзи: солиқ органи, солиқ текшируви, солиқ низоси, судгача иш юритиш, суд тартибида шикоят

Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувлари институтини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тизимини тақомиллаштириш масаласи ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. Умуман олганда, солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тизими солиқ низолари бўйича алоҳида институт ҳисобланади. Айрим давлатларда солиқ низолари судгача мажбурий тарзда кўриб чиқилиши лозим, масалан Австралия, Белгия, Канада, Дания, Финландия, Франция, Германия, Венгрия, Истроил, Япония, Жанубий Корея, Люксембург, Нидерландия, Янги Зеландия ва бошқалар. Шунингдек, айрим давлатлард солиқ низоларини судгача кўриб чиқиши ихтиёрий ҳисобланади, масалан Австралия, Чили, Эстония, Ирландия, Италия, Мексика, Норвегия, Португалия ва бошқалар. Шунингдек, айрим давлатларда солиқ муносабатлари бўйича ишлар алоҳида солиқ судлари томонидан кўриб чиқилади, хусусан Белгия, Канада, Германия, Нидерландия, Мексика, Португалия ва бошқалар[1].

2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарорга[2] кўра суд харажатларини, қўшимча молиявий харажатларни камайтириш ва сансалорликни бартараф этиш максадида солиқ низоларини судгача ҳал қилишнинг мажбурий тартибини жорий этиш масаласи ҳамда Молия вазирлиги хузурида Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўргасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш қенгashi ташкил этиш масаласи белгиланди. Мазкур қарор билан солиқ органлари таркибида солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўлимлари ташкил этилди. Ушбу бўлимларнинг асосий вазифалари сифатида: амалдаги солиқ қонунчилигини қўллаш билан боғлиқ солиқ низоларини кўриб чиқиши; солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган ҳолларда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўргасида юзага келадиган солиқ низоларини кўриб чиқиши; солиқ низолари юзага келишининг олдини олиш учун тарғибот ишларини амалга ошириш ва зарур чораларни кўриш белгиланди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш институт орқали 2019 йил хужжатли текширув натижалари бўйича 158 та, назорат тадбирлари ва бошқа баҳсли ҳолатлар бўйича 46 та, мунозарали масалаларга тушунтириш бериш бўйича 166 та, камерал назорат натижалари бўйича қўйилган талаблар бўйича 177 та[3] ишлар кўриб чиқилган. 2019 йилда кўриб чиқилган солиқ низолари бўйича 4,1 млрд. сўм солиқ тўловчилар фойдасига қаноатлантирилган[4].

Аммо, 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон Фармон билан солиқ низоларини судгача ҳал қилиш ҳудудий бўлимлари тугатилиб, фақатгина давлат солиқ қўмитасининг марказий аппаратида Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси қолдирилди. Мазкур бошқарма солиқ низоларини, хусусан солиқ текширувлари бўйича низоли масалаларни ҳудудий солиқ органлари томонидан



маъмурий тартибда кўрилган ишлар бўйича шикоят тартибида ишларни кўриб чиқади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги "Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш Кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги 812-сон қарорига[5] кўра мазкур кенгашга солиқ қонунчилигини қўллашнинг низоли масалалари бўйича хуносалар чиқариш; солиқ қонунчилиги бузилган ҳолларда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида юзага келган низоларни кўриб чиқиш; солиқ низоларини кўриб чиқиши давомида солиқ қонунчилигига аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш белгиланган. Мазкур кенгаш қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўтказилаётган солиқ текширувлари бўйича ва солиқ тўловчи солиқ низолари бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилинган ҳолларда солиқ низоларини кўриб чиқмайди. Аниқроқ айтганда, мазкур кенгаш Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан аввал кўриб чиқилган шикоятлар бўйича ишларни кўриб чиқади[6].

Солиқ текширувлари натижалари бўйича низоларни альтернатив ҳал қилиш усуllibарини жорий этиш мақсадида амалдаги Солиқ кодексида низоларни судгача ҳал қилишда Давлат солиқ хизматининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси ва Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш Кенгашининг ваколатларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2019 йилдаги Солиқ кодексига қуйидаги ўзгартириш киритиш таклиф этилади: *Солиқ тўловчи солиқ аудити ёки сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарор юзасидан мазкур қарор ўзига берилган кундан эътиборан бир ой ичida Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиши бошқармасига шикоят қилишига ҳақли. Агар солиқ тўловчи Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиши бошқармасининг қароридан норози бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиши кенгашига мурожсаат қилишига ҳақли.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Tax Administration in OECD and Selected NonOECD Countries: Comparative Information Series (2010). Forum on tax administration. Organization for economic co-operation and development. Centre for tax policy and administration.2011-P.247
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июнданги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3802-сон қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2018 й., 07/18/3802/1402-сон, 31.10.2020 й., 06/20/6098/1432-сон
3. Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси расмий сайти. <https://soliq.uz/storage/files/May2020/ 2c918089721802760172183236730002.pdf>
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти. <http://splus.uz/2641/soli%D2%9B-nizolarini-sudgacha-%D2%B3al-%D2%9Bilish-b%D1%9Elimi-faoliyat%D1%9Ezini-o%D2%9Blayaptimi/>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги "Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш Кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги 812-сон қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2018 й., 09/18/812/2020-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 16 ва 2019-09-сон қарори билан тасдиқланган Молия вазирлиги хузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиши регламенти // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2019 й., 10/19/3150/2927-сон



СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЮРИДИК МАСАЛАЛАРИ

Норматов Бекзод Акрамович

Тошкент давлат юридик университети

катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д.

Тел: +99890-296-90-57

bekzod.normatov.2016@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада солиқ органларининг солиқ назоратини амалга ошириш фаолиятига доир процессуал ҳаракатлари ва актларини очиқлаш тартиби таҳлил қилинган. Мамлакатимизда солиқ қонунчилигига солиқ органлари томонидан ўтказилган солиқ текширувлари натижаларига оид маълумотларни очиқлаш тартиби хуқуқий тартибга солинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзи: солиқ органи, солиқ назорати, солиқ текшируви, солиқ органлари фаолиятининг очиқлиги, солиқ статистикаси

Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувлари институтини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида солиқ текширувлари жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Соликларни бюджетга ундириш солиқ органларининг асосий вазифаси эканлиги ва мазкур вазифа солиқ текширув тадбирлари орқали таъминланишидан келиб чиқиб, мазкур жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар, норматив ҳамда бошқа хужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига киритилган ва уларни эълон қилиш расмий нашрлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши белгиланган[1].

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори 3-иловаси билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар”га кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисботлар расмий сайтларда очиқланиши белгиланган[2]. Солиқ текширувларини ўтказиш ва унинг натижаларига оид маълумотларни расмий сайтда очиқлаш бўйича айрим хорижий давлатларнинг тажрибасига кўра хусусан, АҚШ солиқ органи (Internal Revenue Service) ўз расмий сайтида йиллик ҳисботларини жойлаб боради, мазкур йиллик ҳисботда солиқ текшируви турлари кесимида ўтказилган текширувлар сони, фоизи, аниқланган хуқуқбузарликлар сони, ундирилган қўшимча соликлар ҳажми, текширув натижаларига доир маълумотлар чоп этилади[3].

Канадада эса солиқ текширувлари натижалари бўйича микдорий кўрсаткичлар, хусусан текширилган субъектлар сони, аниқланган солиқдаги фарқ (Tax gap) ва уларнинг микдорлари солиқ органи (Canada Revenue Agency) расмий сайтидаги йиллик ҳисботларида акс этади[4].

Жанубий Кореяда солиқ текширув натижалари солиқ турлари ва текширув турларидан келиб чиқиб, текширув сони ва ундирилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар солиқ органи (National Tax Service) расмий сайтидаги ҳисботларида очиқланади[5].

Японияда ҳам солиқ текширувлари натижалари статистик маълумот сифатида солиқ органи (National tax agency) расмий сайтида очиқланади[6]. Германияда “Солиқ текширувлари умумий регламент қоидалари”га кўра солиқ текширувлари бўйича статистика ҳар йили 31 марта қадар очиқланади[7].

Сингапурда ҳам солиқ органи расмий сайти орқали солиқ текшируви ва унинг натижалари билан боғлиқ статистик маълумотлар ҳар йили очиқланади. Масалан, Сингапур солиқ органи томонидан 2019 йилда 9.843 та солиқ тўловчилар фаолияти текширилиб, 443.5 млн.



доллар қўшимча соликлар ундирилган[8].

Бу борада айрим МДХ давлатлари тажрибасига кўра, масалан Арманистон Солик кодексининг 334-моддасига кўра солик назорати натижалари ҳар йили 1 февралга қадар солик органи расмий сайтида очиқланади, унда тугалланган барча солик назорати тадбирлари тўғрисида маълумотлар, хусусан текширувлар тури, муддати, натижалари ва келиб тушган шикоятлар жойлаштирилади[9]. Украинада эса нафакат солик текшируви натижалари, балки сайёр солик текшируви ўтказиш режаси ҳам Солик кодексининг 75-моддасига кўра жорий йил учун 25 декабргача солик органи расмий сайтида жойлаштирилади[10]. Қирғизистонда ҳам Солик кодексининг 101-моддасига кўра сайёр солик текширувни ўтказиш режаси расмий сайтда очиқланади[11].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш Истанбул харакатлар режасида Ўзбекистонда коррупцияга қарши амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисидаги ҳисботида Давлат солик қўмитасининг расмий сайтида очиқ маълумотлар тури сифатида тадбиркорлик субъектларини кейинги йил бўйича сайёр солик текшируви режаси мавжудлиги қайд этилган[12]. Аммо, Давлат солик қўмитасининг амалдаги расмий сайтида фақатгина солик текширувлари бўйича солик органларининг қабул қилган қарорларидан норозилиги юзасидан статистик маълумотлар мавжуд бўлиб, унга кўра 2019-2020 йилларнинг 9 ойлиги давомида жисмоний ва юридик шахслардан 2019 йилда 65 та, 2020 йилда эса 93 та мурожаат келиб тушгандилиги қайд этилган[13].

Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасида солик текширувларини ўтказиш ва ўтказилган текширув натижаларини очиқлаш тартиби солик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинмаган. Тадқиқот доирасида амалга оширилган сўровномага кўра, хусусан солик текширувига оид статистик маълумотлар расмий сайтда очиқланиши қанчалик тўғри? деган саволга респондентларнинг 24.6% очиқланиши тўғри эканлиги, солик тўловчиларнинг маълумот олиш ҳуқуки ҳисобланиши; 54.4% эса очиқланиши тўғри эканлиги, солик органлари фаолиятининг шаффоффлигини таъминлашини қайд этишади[14].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2019 йилдаги Солик кодексига қуйидаги ўзгартириш киритиши таклиф этилади: *Солик текширувларини ўтказиши натижаларига ва солик текшируви натижалари бўйича шикоятларга доир статистик маълумотлар ҳар йили 1 февралга қадар солик органи расмий сайтида очиқланади.* Мазкур таклифнинг жорий этилиши авваламбор, солик органлари фаолиятини очиқлайди ва бюджетга ундирилган қўшимча соликлар микдорини шаффоффлаштиради ва коррупциядан ҳоли бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ахборот олишга ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сон қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 17-модда, 28-сон, 341-модда; 31.10.2020 й., 09/20/674/1439-сон

3. Charles P. Retting, Barry W.Johnson, David P. Paris. Internal Revenue Service Data Book. <https://www.irs.gov/pub/irs-pdf/p55b.pdf>

4. Канада ҳукумати расмий сайти. <https://www.canada.ca/en/revenue-agency/corporate/about-canada-revenue-agency-cra/tax-canada-a-conceptual-study/taxgap-compliance-results.html>

5. Жанубий Корея солик органи расмий сайти. https://www.nts.go.kr/eng/resources/resource_31.asp?minfoKey=MINF7520080211223206

6. Япония солик органи расмий сайти. <https://www.nta.go.jp/publication/statistics/kokuzeicho/h30/h30.pdf>

7. Die Allgemeine Verwaltungsvorschrift für die Betriebsprüfung (Общий административный регламент налоговой проверки) Германия молия вазирилиги бўйруғи би-



лан тасдиқланган умумий қоидалар. https://www.bundesfinanzministerium.de/Content/DE/Standardartikel/Themen/Steuern/Weitere_Steuerthemen/Betriebspruefung/Pruefungsordnung/betriebspruefungsordnung-2000.html

8. IRAS Annual Report FY2019/20.https://www.iras.gov.sg/irashome/uploaded_Files/IRASHome/Annual_Reports/IRAS%20Annual%20Report%20FY201920_Oct.pdf

9. Налоговый кодекс Республики Армения от 4 октября 2016 года. http://www.parliament.am/law_docs5/011116HO165_rus.pdf

10. Налоговый кодекс Украины от 2 декабря 2010 года № 2755-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.07.2020 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30910385#pos=2613;-26

11. Налоговый кодекс Кыргызской Республики от 17 октября 2008 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.08.2020 г.) https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30355506#pos=6;-106

12. Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. Борьба с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии. © ОЭСР 2019.-С.303 // Отчет был утвержден на заседании Сети ОЭСР 21 марта 2019 года в Париже.

13. Ўзбекистон Республикасининг расмий сайти <https://soliq.uz/other/open-committee-data?page=1>

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 10-37251-сон хати.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000